

Чўқинтириш



19:30 / 24.06.2019 2336

Чўқинтириш - насронийликни қабул қилаётган одамлар барча гуноҳларидан ҳоли бўлиш учун уч марта сувга ботирилишидир. Айтишларича, бу янгиланиш ва қайта тирилиш усули бўлиб, насронийларнинг ишончларига кўра, киши чўқинтириб бўлингач, гуноҳнинг барча юкларидан озод бўлиб, янги дунёга қадам қўйиб, янги ҳаётни бошлайди: «сувдан ва Рухдан туғилмаган биронта одам Худонинг Шоҳлигига киролмайди» (Юҳанно Инжили 3:5). Янги чақалоқ туғилганидан кейин уни яқиндаги черковларнинг бирида чўқинтиришади. Черковда роҳиб маросим амалларини бажариб, қуйидагига ўхшаш дуо қилади:

«Эй, раҳимли Парвардигор! Бу гўдакда янги одам туғилиши учун ундаги қари Одам ўлсин. Ундаги барча жисмоний хирслар ўлсин, ва Рухга боғлиқ барча нарса келиб унга ўрнашсин» (Edward Carpenter «Pagan and Christian Creeds» дан иқтибос).

Насронийликнинг бошқа маросимларга ўхшаб, чўқинтириш ҳам қадимий мажусийлик анъаналарига бориб тақалади. Чўқинтириш Ўрта Ер денгизи атрофидаги кўпгина қадимий маданиятларда мавжуд эди. Дж. Харрисон айтади:

«Иккинчи бор туғилиш жуда кенг тарқалган бўлиб, дунёдаги ёввойи халқларнинг деярли ярмига таниш маросимдир. Инсон туғилиши билан дунёга келади; иккинчи туғилиш билан эса ўз қабиласи учун туғилади. Биринчи туғилишда у онаси ва аёлларга оид бўлади, иккинчи мартта туғилишида эса тўлақонли эркакга айланиб, ўз қабиласининг жангчилари қаторига қўшилади» (Miss J. Harrison (Ancient Art and Ritual, pp. 104-5)).

Қадимги маданиятларда бу қайта туғилиш кўпинча, ҳиндларда бўлгани каби дарё қирғоғида, ёки митраизм динидагидек сувга шўнғиш, ёки юнонлар сингари танани артиш, ёки зардўштийларга ўхшаб узоқ ва қийин синовлардан ўтиш орқали нишонланилар эди. Машҳур қадимги Миср маъбудаси Исиданинг ибодатгоҳларида ҳам чўқинтириш хоналари бўлган. Rationalist Encyclopaediaда айтилишича: «Чўқинтириш брахманлик ва форс динларида тарқалган эди, ҳамда Миср ва юнон афсоналарида мавжуд эди. Кейинчалик, яҳудийлар улардан динга янги кирганларни чўқинтириш учун бу маросимни ўзлаштириб олдилар. Илк насронийлар эса бу одатни ҳар иккала манба – юнон ва яҳудийлардан кўчириб олдилар» (Rationalist Encyclopaedia, p. 48). Чўқинтириш яҳудийларнинг муқаддас маросими эди. Ийсо Масийҳнинг Яҳё пайғамбар тарафидан чўқинтирилиш маросими деярли барча Инжилларда баён қилинган. Юҳанно, шунингдек, Ийсо пайғамбарнинг юрти носироликларда ҳам худди шундай сувда амалга ошириладиган анъана бўлганини айтади. Яҳё пайғамбарнинг издошлари Собийлар номи билан машҳур эдилар. Эрнест Ренаннинг фикрига кўра бу сўз «чўқинтирувчилар» маъносини беради. (Ernest Renan, Life of Christ, ch. vi). Марк ҳам Чўқинтирувчи Яҳё пайғамбар яҳудийларни сувда чўқинтирганини ва Ийсо пайғамбар ҳам шундай чўқинтирилганини хабар беради (Марк Инжили, 1:4,5,9). Аммо, яҳудийлар Худо билан аҳдлашув тимсоли сифатида чўқинтиришни эмас, хатна қилишни ҳисоблардилар. Насронийлар бу абадий аҳдноmani бузиб, уни чўқинтиришга алмашдилар.

Яна айтадиган бўлсак, 1-асрда чўқинтириш аввалги насронийлар орасида машҳур маросим бўлганлиги ҳақида бирорта далил йўқ. Павлус бир неча кишининггина чўқинтирилгани ҳақида маҳлумот беради. У шундай ёзади: «Тўғри, мен Стефаннинг уй аҳлини ҳам сувга чўмдирган эдим, аммо булардан бошқа ҳеч бир одамни сувга чўмдирганим эсимда йўқ. Зотан, Масих мени одамларни сувга чўмдирсин, деб эмас, балки Хушхабарни ёйсин, деб юборди » (Коринфликларга биринчи мактуб, 1: 16-17;). Фақат иккинчи асрга келибгина чўқинтириш насронийликка кириб келди. Авваллари бундай маросимларда фақат сувдан фойдаланилар эди, аммо кейинчалик насронийлар, носираликлардан фарқ қилиш учун, сувни

Муқаддас Рухга алмаштиришди. Сомий насронийлар «мамудит» (сувда устундек туриш) атамасини қўллаган бўлиб, бу бугунги кундаги чўқинтириш тушунчасидан буткул фарқ қилади.

«Чўқинтириш» сўзи аслида уни Чўқинтирувчи Яҳё пайғамбарнинг тушунчасидан кўра умуман бошқа маънони беради. Бу ерда Трент кенгашини эслаб ўтиш керак бўлиб, унда насронийликча чўқинтиришни Яҳёнинг чўқинтириши билан бир хил дейдиганлар муртадликка чиқарилган эди.

Аввалги босқичларда бу маросим ҳеч қандай китобий асосларга эга эмас эди. Инжилдан тез-тез иқтибос қилинадиган қуйидаги матн эса кейинроқ китобга қўшилган эди: «Исо келиб, уларга деди: «Еру осмондаги бутун ҳокимият Менга берилган. Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўмдиринглар. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Зотан, Мен ҳар доим, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан.» (*Матто Инжили, 28:18-20*).

Император Константин 50 та инжилни тайёрлаб беришни тайинлаган Қайсарий епископ Евсепийнинг айтишича, 325-йилда Инжиллар қонунийлаштирилганга қадар, юқоридаги матн қуйидагича кўринишда бўлган: «Шунинг учун бориб, барча халқлардан Менинг номим билан шогирд орттиринглар».

Машҳур протестант илоҳиётчи Адольф Харнак ҳам юқоридаги матнни кечинчалик қўшилган сохта матн деб атайди: «Ийсо чўқинтиришга асос солганини тўғридан-тўғри исботлашнинг далили йўқ. Матфей тарафидан келтирилган сўзлари эса (28: 19) Худонинг каломи эмас» (*Adolf von Harnack (History of Dogma, vol. i, p. 79)*).

Айтиб ўтиш керакки, мавзуга алоқадор матн Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номидан чўқинтиришни тарғиб қилаётган бўлиб, бу нарса аввалги қўлёзмаларда мавжуд эмас эди, дейди Евсевий. Адольф Харнак ҳам, ўз навбатида, «бу учлик формуласи Ийсо зотига оид эмас ва ҳаворийлар даврида аҳамиятга молик эмасди. Агарда бу Ийсога оид сўзлар бўлганда ҳаворийлар учун аҳамиятли бўларди» (*Adolf von Harnack, op. cit.*). Бизнинг эътиборимизни тортган бошқа бир вазият умумий насройнийлик ақийдасида чўқинтириш кайфиятининг ноаниқлигидир. Чўқинтириш, ҳозирги тушунчаларга кўра, илоҳий учликнинг бир аъзоси бўлган Муқаддас Рух инсон вужудига кириб ундан гуноҳларни олиб ташлашдир.

Агар бу фикрни қабул қиладиган бўлсак, кейинроқ ўша инсоннинг ҳаётида қандай қилиб шайтон Муқаддас Рухни қувиб чиқариб, инсонни гуноҳ қилишга чорлаши кишини ўйлантиради. Шунда савол пайдо бўлади: Муқаддас Рухга тўлган ва унинг ҳимоясидаги кишини иблис васваса қилиб, уни шайтонга айлантириш мумкинми? Идроксизликнинг қандай ёрқин мисоли бу! (Солиштириш учун ўқинг: «Яҳудийларга», 10: 26-29).

Шундай қилиб шу нарса очиқ-ойдинки, чўқинтириш мажусийларнинг қайта туғилиш анъаналарнинг давоми бўлиб, Ийсо алайҳиссаломнинг ўғитларига таянмаган.

Сайид Камол тайёрлади